

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 18-iyun, chorshanba № 48 (15790)

Ўзбекистон — Жанубий Корея:

## СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ 16 июнь куни илк давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.**

Ўзбекистон билан Тонг бокиралиги ўлкаси ўртасида катта масофа бўлса-да, халқларимизни яқин қадимий дўстлик ришталари боғлаб туради. Эл-юртга садоқат, аждодлар мероси ва қадриятларини эъзозлаш, меҳр-оқибат, бағрикенглик, очиққўн-гиллик, саховат, каттага ҳурмат, кичикка иззат, меҳнатсеварлик каби фазилатлар ўзбек ва корейс халқлари учун бирдек хосдир. Бир пайтлар тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган ўн минглаб корейсларга ўзбек халқи меҳр-оқибат ва олийҳимматлик билан бошпана берганини корейс халқи ҳеч қачон унутмайди.

Бугунги кунда изчил мулоқотлар ва муштарак интилишлар туфайли давлатларимиз ўртасида очиқлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч, яқин стратегик ҳамкорликка асосланган муносабатлар қарор топган ва бу алоқалар кундан-кунга янги-янги мазмун билан бойиб бормоқда.

Узоқ муддатли ҳамкорлик мобайнида босиб ўтилган самарали йўлга ҳолисона баҳо бериб, шуни айтиш мумкинки, Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси учун иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш бўйича миллий дастурларни амалга оширишда ҳамда жаҳон ҳамжамиятига босқичма-босқич интеграциялашишда мамлакатимизни кенг қўллаб-қувватлаган, вақт синовидан ўтган ва ҳар жиҳатдан ишончли стратегик шерикдир.

Ташрифнинг асосий

воқеалари 17 июнь куни Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Дастлаб Корея Республикаси Президенти расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар Ислон Каримов ва Пак Кин Хэ шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Ислон Каримов билан Пак Кин Хэнинг тор доирадаги учрашувида икки томонлама муносабатларга доир масалалар, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

— Биз Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг мамлакатимизга илк давлат ташрифини Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлиги тарихидаги муҳим сиёсий воқеа, томонларнинг олий даражадаги аънанавий мулоқотларни давом эттиришга, дўстлик ва стратегик ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қатъий интилиши ифодаси, деб биламиз. Ўзбекистон Корея Республикасига юксак даражада ривожланган, улкан иқтисодий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат сифатида қарайди. Тараққиётнинг ҳар томонлама ўйланган, узоқ муддатли стратегияси туфайли Жанубий Корея ҳақли равишда жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатларда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда, —

деди Ислон Каримов.

Музокарада таъкидланганидек, бу учрашув кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш жараёнидаги муҳим босқич, ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилиш, истиқболдаги устувор йўналишларни белгилаб олиш ҳамда фаол ривожланиб бораётган стратегик шерикликни янги амалий мазмун билан бойитиш учун яхши имкониятдир.

— Буюк Ипак йўли маркази сифатида азалдан ривожланган Ўзбекистон бугунги кунда жадал иқтисодий тараққиёти, қулай сармоявий муҳити билан дунё мамлакатларини ўзига жалб этмоқда. Ўзбекистон Жанубий Кореянинг Марказий Осиёдаги энг йирик ҳамкоридир. Бу ерда илк бор меҳмон бўлиб турган эсам-да, дўстона муносабат, очиқлик ва самимийлик туфайли ўзимни узоқ йиллик дўстларим ҳузурига келгандек ҳис этмоқдаман. Бундай қулай муҳит ва яхши кайфият давлатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик алоқаларининг белгиси ва унинг мунтазам ривожланиб боришининг далолатидир, — деди Пак Кин Хэ.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги сиёсий муносабатлар стратегик шериклик аънаналарига мос тарзда ўзаро ишонч, манфатларни ҳурмат қилиш, халқаро майдонда бир-бирини кенг қўллаб-қувватлаш тамойиллари асосида ривожланмоқда. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик барча долзарб масалалар бўйича томонларнинг нуқтаи назари ва ёндашувлари ўхшаш ва яқиндир.

(Давоми 2-саҳифада)



5-бетга қаранг

## ЎЗБЕКИСТОН – ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида 17 июнь куни Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, ёқилги-энергетика, авиаташув, автомобилсозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, тоғ-кон саноати, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, сугурта, экспорт-импорт, алоқа, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, сайёҳлик ва фан-таълим каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, мазкур бизнес-форум савдо-иқтисодий, сармоявий ва ижтимоий соҳалардаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ мамлакатларимиз ўртасидаги самарали ҳамкорликни юксак қадрлашни, ўзаро алоқаларни яна-

да ривожлантириш тарафдори эканини алоҳида қайд этди.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ва ишончли стратегик шеригидир. Мамлакатларимиз катта иқтисодий салоҳият ва имкониятларга эга. Бу борада икки давлат ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Савдо-саноат, сармоя, нефть-газ, кончилик, машинасозлик, тўқимачилик, логистика, кимё саноати, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари, таълим, соғлиқни сақлаш каби кўплаб соҳалар бўйича ҳамкорликка оид битимлар имзоланган.

Ўзбекистонда Жанубий корейлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 412 корхона фаолият кўрсатмоқда. Корея Республикасининг 81 компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар савдо, тўқимачилик ва енгил саноат, тоғ-кон металлургияси, кимё ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, металл қайта ишлаш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, транспорт хизмати кўрсатиш каби соҳаларда иш юритади.

(Давоми 3-саҳифада)

Ўзбекистон — Жанубий Корея:

# СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми, аввали  
1-саҳифада)

Мамлакатларимиз БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтлар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Олий даражадаги учрашувлар мунтазамлик касб этгани стратегик ҳамкорликни изчил ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Президент Ислон Каримовнинг 2012 йил сентябрь ойидаги Корея Республикасига давлат ташрифи доирасида умумий қиймати 5 миллиард АҚШ долларига тенг 60 сармоявий лойиҳа имзоланди.

Парламентлараро алоқалар ривожланмоқда, ҳукумат делегациялари мақомидаги ташрифлар изчил кенгаймоқда. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувлар мунтазамлик касб этган. Жорий йил апрель ойида Сеулда маслаҳатлашувларнинг 10-давраси бўлиб ўтди.

Музокарада сиёсий мулоқотларни изчил давом эттириш, эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишни мониторинг қилиб бориш, ахборот технологиялари, қуёш энергетикаси, қишлоқ хўжалиги, таълим каби соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди. Томонлар бундан буён ҳам халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар, жумладан, «Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форуми доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, терроризм, диний экстремизм, уюшган транснационал жиноятчилик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда изчил ҳамкорлик қилади.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Томонлар савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Савдо-сотик соҳасида мамлакатларимиз ўртасида 1992 йилдан буён энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилади. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,1 миллиард доллардан ошди. Жорий йилнинг январь-апрель ойларида бу борадаги кўрсаткич 669,3 миллион долларга етди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўмита мунтазам мажлислар ўтказиб келмоқда. Ўтган ойда унинг навбатдаги мажлиси

Тошкент мезбонлик қилди. Шунингдек, молия вазирларининг, Энергетика ва табиий ресурслар бўйича идоралараро қўмитанинг йиғилишлари ўтказилмоқда. 2012 йилдан Ахборотлаштириш бўйича кенгаш фаолият олиб бормоқда.

«Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форуми доирасида савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт, маданий-гуманитар соҳаларда минтақавий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинмоқда.

Корея Республикасининг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси ҳажми 5 миллиард доллардан ошади. Ўзбекистонда жанубий корейлик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 412 корхона, ушбу мамлакатдаги 81 компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея муваффақиятли иқтисодий ҳамкорлик борасида катта тажриба тўплаган. Сурғил қони негизда барпо этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси кўлами жиҳатидан ғоят йирик лойиҳа сифатида халқаро микёсда эътироф этилди. Корея газ корпорацияси, «Лотте групп» ва «Эс-Ти-Икс Энержи» компаниялари консорциуми иштирокида қурилаётган бу мажмуа келгусида 4,5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш ва бунинг натижасида 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Жанубий Корея компаниялари мамлакатимизнинг турли минтақаларида истиқболли углеводород конларини аниқлаш, геология-разведка ишларини амалга ошириш, ўзлаштириш борасида фаолият кўрсатмоқда.

Тоғ-кон саноати соҳасида «Шиндонг Рисорсез» компанияси билан вольфрам қони ўзлаштирилаётганини, «Неоплант» компанияси билан ҳамкорликда техник кремний ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилганини таъкидлаш жоиз.

Автомобилсозлик — жанубий корейлик шериклар билан биргаликда Ўзбекистонда ўзлаштирилган юқори технологияли энг машҳур ишлаб чиқариш соҳаси. Айти пайтда Андижон ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида автомобилсозлик корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда саноатнинг бу соҳасига Жанубий Кореянинг 20 компанияси жалб қилинган, 18 қўшма корхона тузилган.

Тўқимачилик ҳам ҳамкорликнинг устувор соҳаларидан биридир. Бу йўналишда Ўзбекистонда корейлик шериклар билан биргаликда умумий қиймати 212 миллион долларга тенг 10 қўшма лойиҳа амалга оширилди. Хусусан, «ДЭУ Интернэшнл» компанияси билан Фарғона ва Бухоро вилоятларида, «Шиндонг Энерком» ва «Текстайл Текноложиз» компаниялари билан Сурхондарё вилоятида тўқимачилик корхоналари ишга туширилди. Айти пайтда Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти негизда Тўқимачилик технологияларининг инновацион марказини очиш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Корея Республикаси билан ҳамкорликда юртимизда «электрон ҳукумат» тизими жорий этилмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетида Ахборот технологиялари маркази ва Ахборот олиш маркази очилган. Жорий йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан пойтахтимизда Жанубий Кореядаги етакчи олий ўқув юртлиридан бири — Инха университетининг филиали ташкил этилди.

«Кореан Эйр» компанияси билан ҳамкорликда «Навоий» интермодал логистика маркази фаол ривожлантирилмоқда. Бугунги кунда марказ бир кеча-кундузда 1000 тоннагача юкни қайта ишлаш, юк терминалида 300 тонна юкни қайта ишлаш ва сақлаш, йиғирмата самолётга хизмат кўрсатиш қувватига эга. Айти пайтда ушбу авиахабдан Сеул, Милан, Брюссель, Вена, Париж, Деҳли, Мумбай, Истанбул, Ханой каби шаҳарларга ҳафтада 29 парвоз амалга оширилмоқда.

Жанубий Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси билан биргаликда молиявий-техник ҳамкорлик ривожлантирилмоқда. Беғараз асосда асбоб-ускуна тақдим этиш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, корейлик мутахассисларни Ўзбекистонга йўналтириш КОИКА билан ҳамкорликнинг асосий йўналишларидир. Бу борада соғлиқни сақлаш, таълим, ахборот технологиялари, коммунал хўжалик, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика каби соҳаларда умумий қиймати 54,5 миллион доллардан зиёд 21 лойиҳа амалга оширилди. Яна тўрт лойиҳанинг ижроси давом этмоқда. Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси билан ҳамкорликда қиймати 114,1 миллион долларга тенг тўрт сармоявий лойиҳа

амалга оширилди.

Музокарада товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва номенклатурасини диверсификация қилиш, икки мамлакатнинг етакчи компания ва корхоналари иштирокида мунтазам равишда бизнес-форумлар ўтказиш, шунингдек, юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш борасида янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишиб олинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари давлатлараро ва ҳукуматлараро даражада, иқтисодий ва тижорий тузилмалар, фирма ва компаниялар ҳамкорлиги нуқтаи назаридан, жумладан, гуманитар соҳада ҳам том маънода етуклик, ҳар томонлама пухталиқ касб этиб, ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда ва мамлакатларимиз халқлари манфаатларига хизмат қилмоқда.

1992 йилдан буён Тошкентда Корейс таълим маркази фаолият кўрсатмоқда. Қатор олий ўқув юртлирида корейс тили ва маданияти марказлари очилган. 13 олий таълим ҳамда 28 мактаб ва лицейда корейс тили ўрганилади. Умуман, Ўзбекистон университетлари Жанубий Кореядаги ўттиздан зиёд олий ўқув юрти ва илмий-ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

2012 йил март ойида Наврўз байрами ва мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан Сеулда ўзбек эстрада артистларининг концерти ташкил қилинди. 2013 йилда юртимизда «KBS» миллий телерадиокомпанияси томонидан корейс кўшиқлари танлови ўтказилиб, унинг финалига чиққан «Алладин» гуруҳи кейинчалик 15 мамлакат вакиллари иштирокида Жанубий Кореяда ўтказилган «Korean POP World Festival — 2013» фестивалида Гран-при соҳиби бўлди. 2014 йилнинг муҳим воқеалари — Ўзбекистон ёшлар театри Болалар ва ёшлар театрлари уюшмасининг «Осиё учрашувлари — 2014» халқаро фестивалида «Шум бола» спектакли билан қатнашди, Тошкентда Сеул боғи ташкил қилинди. Ўзбек ва корейс халқлари учун қадрли бўлган бу боғ Ўзбекистон пойтахтининг энг сўлим гўшаларидан бирида кўҳна Корея маданияти ёғду таратадиган гўзал маскан вазифасини ўтамоқда.

Томонлар шуларни қайд этиб, маданият, мусиқа, санъ-

ат ва спорт соҳаларида алоқаларни янада фаоллаштириш, қўшма маданий фестиваллар, кўргазмалар ташкил этиш, ўқув юртлири ўртасидаги бевосита алоқаларни кенгайтиришга келишиб олдилар. Ўзбекистонда Корейс маданияти ва санъати марказини очиш масаласи кўриб чиқилди.

Музокаралар якунида Президент Ислон Каримов ва Президент Пак Кин Хэ Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, 2014-2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси кредитлари тўғрисидаги ҳукуматлараро ҳадли келишув, Икки томонлама инвестициявий ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Корея Республикаси Экспорт-импорт банки ўртасида молиявий битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислон Каримов ва Пак Кин Хэ музокаралар самарали, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларини янада ривожлантириш ва самарадорлигини тубдан оширишга, икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Куннинг иккинчи ярмида Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонида ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари туфайли Ўзбекистоннинг бош майдони нафақат халқимиз фахру ғурурига хос замонавий қиёфа касб этди, айти пайтда унинг юртимиз ҳаётидаги ахамияти ҳам юксалди.

Корея Республикаси Президенти халқимизга ҳурмат-эҳтиромини изҳор этиб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз, эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Пак Кин Хэ бу майдон муҳташам бинолари, кўркам боғлари, гўзал фавворалари билан яхлит ансамбль ҳосил қилганини таъкидлади. Бу ерда яратилган меъморий асарлар табиатнинг гўзал инъомлари билан моҳирона уйғунлаштирилгани ўзида катта таассурот қолдирганини алоҳида қайд этди.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

**Анвар БОБОЕВ,**  
**Анвар САМАДОВ,**  
**ЎЗА мухбирлари**

## МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

**Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтерроп тузилмасининг (ШХТ МАТТ) Ижроия кўмитаси ташкил топганининг ўн йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Унда ШХТ Бош котиби Дмитрий Мезенцев, МАТТ Ижроия кўмитаси директори Чжан Синьфэн, МАТТ Кенгаши аъзолари, ШХТга аъзо давлатлар, кузатувчи мамлакатлар ва ташкилотнинг мулоқот бўйича шериклари, шунингдек, МАТТ ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган халқаро тузилмалар вакиллари иштирок этди.

ШХТга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг қарорига мувофиқ 2004 йилнинг 17 июнида Тошкентда ШХТ МАТТ Ижроия кўмитасининг

расмий очилиши бўлди.

Минтақавий аксилтерроп тузилмасининг фаолияти терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда ШХТга аъзо мамлакатлар ваколатли органларига кўмаклашиш, уларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштиришга қаратилган.

Ўтган ўн йил давомида МАТТ томонидан ШХТга аъзо мамлакатларнинг янги хавф ва таҳдидларга қарши курашда ўзаро ҳамкорликнинг кўп томонлама ва икки томонлама механизmlарини ўз ичига олган умумий

ёндашувларини ишлаб чиқиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда мустақкам халқаро-ҳуқуқий база шакллантирилди, бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Тадбир иштирокчилари минтақавий хавфсизлик масалалари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг доимий диққат-марказида эканини таъкидлади. Минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ШХТнинг ваколатли органлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида МАТТ Ижроия кўмитаси самарали иш юритаётгани қайд этилди.

ЎЗА

Тошкентда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлигига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

## ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Унда Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги етакчи ташкилот ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси раиси Хуршид Мирзоҳидов ва Корея Республикаси Ахборот жамияти миллий агентлиги президенти Чанг Кванг Су Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларини ахборотлаштириш жараёнида ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш, улар билан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида самарали ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Юқори технологиялар соҳасидаги етакчи давлатлардан бири бўлган Корея Республикаси ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришда Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкорига айланган.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик мамлакатларимизнинг ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган идоралари томонидан имзоланган қатор битимлар асосида амалга оширилмоқда. Халқаро конференция юқори технологиялар соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини белгилашда муҳим аҳамият касб этди.

Халқаро конференция доирасида Ўзбекистон ва Корея Республикасининг ахборот-коммуникация соҳасидаги тажрибаси ҳақида тақдимот маросимлари ўтказилди. Иштирокчиларга мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегияси ва Жанубий Корея иқтисодиётининг турли соҳаларига юқори технологияларни жорий этиш хусусида атрафлича маълумот берилди. Жанубий корейлик мутахассисларнинг қишлоқ хўжалигига «Ақлли фермалар»ни жорий этишнинг амалий натижалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари электрон савдосининг истиқболлари тўғрисидаги маълумотлар тингланди. Миллий маҳсулотларимизни юқори технологиялар ёрдамида таклиф этиш ҳамда ушбу соҳада Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик йўналишларига оид тақдимотлар ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир якунида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қатор ҳужжатлар, жумладан, «UNICON.UZ» илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази ва Корея Республикаси электроника ва телекоммуникация тадқиқот институти, Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази ҳамда Корея интернет ва хавфсизлик агентлиги ҳамкорлик тўғрисида, Тошкент ахборот технологиялари университети, «UZINFOCOM» маркази ва Корея Республикаси Ахборот жамияти миллий агентлиги, Сеул миллий университети ва Корея илм-фан ва технологиялар етакчи институти, Тошкент тиббиёт академияси ва Корея шарқ тиббиёти институти ўртасида ўзаро англашув меморандумлари имзоланди.

Бобур ОБИДОВ,  
ЎЗА мухбири

## ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

(Давоми, аввали  
1-саҳифада)

Ўзбекистон Жанубий Кореяга озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва ускуналар, минерал ўғитлар, кимё маҳсулотлари экспорт қилади, транспорт, коммуникация ва сайёҳлик хизматлари кўрсатади. Жанубий Кореядан мамлакатимизга транспорт воситалари, механик ва электрон ускуналар, пластмасса ва пластмассадан тайёрланган маҳсулотлар, қора металл импорт қилинади. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,1 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Мамлакатимизнинг улкан иқтисодий салоҳияти, замонавий транспорт коммуникациялари, юртимиздаги қулай сармоявий муҳит кўплаб давлатлар қатори Корея Республикаси ишбилармон доираларининг ҳамкорликка қизиқишини тобора оширмоқда. Форумда Жанубий Ко-

рея ишбилармонларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, соҳага сармоя киритишнинг истиқболлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш омиллари, «Навоий», «Жиззах» ва «Ангрен» индустриал зоналаридаги қулайлик ва имтиёзлар тўғрисида маълумот берилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонлари ҳамкорлигида турли соҳаларда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар ва уларнинг ижроси ҳақида сўз юритилди.

— Ўзбекистон табиий ресурсларга бой, улкан иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат, — деди Корея Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Парк Йонгмаан. — Жанубий Корея Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди. Мамлакатингиздаги қулай сармоявий му-

ҳит ва юксак иқтисодий имкониятлар Ўзбекистон-Жанубий Корея савдо-иқтисодий алоқаларининг раванг топишида муҳим омил бўлмоқда. Ўзаро ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш тарафдоримиз.

Бизнес-форумда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари, сайёҳлик, озиқ-овқат, энгил саноат, тўқимачилик ва фан-таълим соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар атрафлича муҳокама қилинди. Кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини оширишдаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Анжуманда Жанубий Кореянинг йирик компанияларидан уч юзга яқин вакил иштирок этгани ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши нақадар катта эканидан далолатдир. «Hanjin Group», «Hyundai

Motor», «Lotte Chemical», «Hanwha Group», «Daedong Industrial», «Baum Architects», «Bell Metal», «LSC Food», «Simpac», «Nara», «Shindong» каби компаниялар вакиллари Ўзбекистон бозоридаги ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва мавжуд ҳамкорликни янада мустақкамлаш ниятида эканини қайд этди.

Шу куни Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Жанубий Корея ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

Бизнес-форум ва кооперацион биржа доирасида энергетика, тўқимачилик ва энгил саноат, ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар, таълим каби кўплаб соҳалардаги ҳамкорликка оид умумий қиймати 2,4 миллиард доллардан зиёд қатор ҳужжатлар имзоланди.

Нодира МАНЗУРОВА,  
ЎЗА мухбири

## АНЪАНАНИ ДАВОМ ЭТТИРИБ...

Бухоро вилояти Вобкент туманида яшовчи Зумрад Умарова момомерос хунар — попопчилик анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган хунармандлардан.



Дастлаб онаси Руқия Илёсовадан ушбу хунар сирларини ўрганган Зумрад бугун ўз устахонасида матоларга қадимги услубда пардоз беришнинг замонавий йўналиши бўйича ўндан ортиқ ёшларга сабоқ бераётир. Хунарманднинг маҳсулотлари харидоргир.

**СУРАТДА:** (чапдан) ёш хунармандлар Дилноза ва Моҳиситора.

ЎЗА фотомухбири  
Тоҳир ИСТАТОВ  
олган сурат.

# ТИЛ ЎРГАНИШИШИНГИЗГА НИМАЛАР ХАЛАКИТ БЕРЯПТИ?

## АВВАЛО МАҚСАДИНГИЗ АНИҚ БЎЛСИН!

Бугунги кунда дунё тилларини билиш давр талабига айланди. Ўзбекистонда ҳам ёшларнинг ҳам тил ўрганишига давлат даражасида эътибор қаратилмоқда. Кўряпмизки, деярли барча тил ўрганиш харақатида... Бироқ ораимизда тил ўрганиш машаққатлари олдида ўзига бўлган ишонччи йўқотаётган, ҳатто мен бунга қодир эмас эканман, дея ҳафсаласи пир бўлаётганлар ҳам йўқ эмас. «Бунга сабаб нима?» деган саволга кўпчилик турли жавоб беради.

Сизга ўқиниш, ишиниш, уй юмушлариниш, кундалик турмуш муаммолари халақит бераётган, диққатингиз ҳар томонга бўлиниб кетаётган бўлса, турли курсларга қатнашга имконият ёки вақтим йўқ деяётган бўлсангиз, сизни тушунаман. Ҳатто ўттиз-ўттиз беш ёшлардан ошган опа-акаларим ҳам вақтида тил ўргана олмаганликларини, энди зехнлари ёшлиқдагидек ўткир эмаслиги, хотиралари «чатоқлашиб», тиллари «келишмай қолгани»ни, ундан ташқари, зиммаларида «оила масъулияти» борлигини, яъни ак-

вақтим етмайди десангиз, бу — муаммо эмас, тилни китоблар, техник дастурлар (компьютер, мобил телефон, планшетлар учун тил ўрганиш дастурлари) ва интернет кўмагида ҳам ўрганиши мумкин. Айтмоқчимизки, ўқитувчисиз ишим битмайди, деб ўйланган. Таълим муассасаларида, тил марказлари ва курсларда тил ўрганаётган бўлсангиз фақат у ерда берилаётган билим билан чекланиб қолманг. Янада кўпроқ янги сўзлар ёд олишга ҳаракат қилинг. Олимлар ҳали тилнинг бошланғич даражасида турганлар учун ўқитувчилар билан ишлашни, грамматик қоидаларни ўзлаштириб бўлган ўзлари «self-study», яъни мустақил ўқишни тавсия қилишади. Тилни мукамал эгаллашда натижанинг 35 фоизини ўқитувчилар ёрдамида, 65 фоизини эса мустақил ўрганиш ташкил этар экан.

Хўш, мустақил ўқиш — «self-study» қандай бўлади? Бунда сиз икки-уч хил яхши адабиётга таянасиз. Кўп китобларга эга бўлиш ва булардан баравар фойдаланаман дейиш кўп ҳам натижа бермайди. Улар сизни чалғитади. Сиз грамматика учун бир ёки икки китобни, сўз бойлигини ва нутқингизни ривожланти-

Масалан, карточкалардан фойдаланиши мумкин. Кераксиз дафтар варақларидан, оқ қоғоздан, агар топа олсангиз, картон бўлақларидан тахминан 5х9

чалғиганда, шу сўзларга бир-бир қараб қўйсангиз, кўзингиз уларни эслаб қолади. Оила аъзоларингиз ва ҳамкасбларингизга ҳам шу усулдан фойдаланишни маслаҳат беринг.

## ҲЕЧ ҚАЧОН УМИДИНГИЗНИ СЎНДИРМАНГ!

Қийин мавзулар, оғир бирикмалар учраганида бунинг адоғига етамани, ўзи қачон бу тилни ўрганиб бўламан каби саволлар сизни қийнаши мумкин. Унутманг, ҳатто биз ўз она тилимизда Навоий ҳазратлари ишлатган сўзларни англай олмаимиз, пайти келганда ўзбек тили изоҳли луғатларини очиб унга мурожаат қиламиз. Айтмоқчиманки, инсон ҳатто ўз она тилисини ҳам нуқсонсиз, мукамал билмайди. Демак, ўзга тилларнинг адоғини қидириш ва бунга сабрсизлик билан интилиш ярамайди. Ўзингизга ёшингиз нечадалигини айтиб, миянгиизга сингдиравманг. Ўз имкониятларингизни юқори баҳоланг. Тил ўрганиш ёшу қари учун бирдек машаққатли — сиз ёш бўлмаганингиз учунгина қийналмаясиз. Ҳар ким учун натижа қатъий мақсад қўйиш ва мунтазам шуғулланиш ортидан келади. Юқорида айтдим, мен



## МУЛОҚОТСИЗ ТИЛ ЎРГАНИБ БЎЛМАЙДИ!

Мулоқотда бўлиш учун шу тилни биладиган бирор одам топинг. Ёнингизда ҳеч ким бўлмаса, кўзгудаги аксингиз билан суҳбатла-

## Буюк ўзбек олими Абу Райҳон Беруний она тилидан ташқари араб, форс, юнон, суғд, сурёний, хинд, қадимги яхудий ва санскрит тилларини билган.

сари эркаклар кечгача ишлашлари, аёллар эса уй юмушлари билан банд бўлишларини айтиб ўзларини оқлайди. Лекин аслида булар ўзимиз йўлаб топаётган баҳоналар эмасмикан?! Сизга яқинда эллик ёшни қаршилаган шифокор қўшимни, шу ёш атрофидаги тарих ўқитувчим ва бошқа кўплаб инсонларни мисол қилиб айта оламан. Улар ҳам юқорида саналганларнинг барчаси баҳона бўлганини, қаерда хоҳиш бўлса, ўша ерда имкон топилишини таъкидлашади. Ва яна сизга шуни ҳам айтишим мумкинки, сиз тилни мукамал ўрганишга қодирсиз!

Аввало, ўзингизга «Мен нима учун шу тилни ўрганмоқчиман?» деган саволни беринг! Олдингизга аниқ мақсад қўйинг. Бу жуда муҳим: биринчидан, танлаган йўлингиздан қайтмаслигингиз ва олдинга интилишингиз учун туртки бўлади, иккинчидан, кейинроқ шу тилда юқорироқ босқичларга кўтарилаверганингиз сари сизга мақсадингиз нималарга кўпроқ аҳамият бериб, қайси соҳани чуқурроқ ўрганишингиз керак, нималарни четда қолдирмаслик муҳимлигини кўрсатиб беради.

## ЎРГАНИШ ЙЎЛИНИ ТАНЛАНГ!

Икки хил йўл — ўқитувчи ёрдамида ёки мустақил. Турли курсларга боришга шароитим йўқ ёки

риш учун яна бир китобни танлаб олинг. Ундан ташқари, ўз билимингиз даражасидаги бадий асар ўқишни бошланг.

— Бадий асар грамматик қоидаларни нутқда қай ҳолда ишлатиш кераклигини ўргатади. Сиз тўғри гапира ва ёза бошлайсиз. Мусиқалар тингланг, интернет орқали тинглаётган кўшигингиз матнини топинг. Инглиз тилидаги киноларни томоша қилинг. Улар сўзларни тўғри талаффуз қилиш ва эшитиб тушуниш, шу билан биргалликда сўзлаша олиш қобилиятини ривожлантиришда ёрдам беради, — дейди

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси, филология фанлари доктори Галина Кан.

## СЎЗ БОЙЛИГИНГИЗНИ ОШИРИНГ!

Фикрингизни раво ифодалаб беришингиз учун сўз бойлигингизни оширишингиз керак. Бунинг учун турли усулларни қўлланг.

(Ўзингизга қулай қилиб) ҳажмида карточкалар ясанг. Бир томонига ўқийётган бадий асарингиз ичида сизга нотаниш бўлган сўз, унинг транскрипцияси ва келтирилган гапни, орқа томонига эса шу сўзнинг таржимасини ёзинг. Бу жуда самарали усул. Транспорт воситаларида, йўлларда, навбатда турганингизда бу карточкалар вақтингизни бекор сарф бўлишига йўл қўймайди. Ва улар сизни чарчатмайди ҳам. Ундан ташқари, ордан вақт ўтиб, бу сўзларни қайта такрорлаш сизга жуда осон бўлади, улар ҳеч қачон ёдингиздан чиқмайди.

Унутманг! Тил ўрганишинг олтин қоида мунтазам шуғулланишдир! Кун тартибингизни тўғри ташкил қилинг. Камида бир соатни тил ўрганишга ажратинг. Бунга ҳафтада уч ёки тўрт марта икки ёки уч соатдан вақт ажратгандан кўра, ҳар куни бир-икки соатдан бўлса ҳам шуғулланиш

шинг ёки кўчаларда худди телефонда дўстингиз билан гаплашгангиздек бўлинг. Чарчаганингизда бу усул иш беради. Унга ўзингизнинг ҳис-туйғуларингизни етказишга, бугун ўрганган сўзларингиз иштирокида гаплар тузиб беришга, эски сўзларни ҳам такрорлашга ҳаракат қилинг. Сиз буларни овоз чиқариб бажаришингиз керак. Хотиранингиздан ҳеч қачон нолиманг. Қанча кўп сўз ёдлангангиз, у чарчанаверади. Хотира машқларини ўтказинг. Масалан, сўзларни ўзингизга таниш бирор нарсаларга боғлаб эслаб қолинг. Яна бир усул бу — кўшиқ матнини ёдлаш. Мутахассисларнинг фикрича, мусиқадаги товуш тўққинлари мияга матнлардан кўра тезроқ

## ЎЗИНГИЗГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИНГ!

Вақтингиз тизимини, уни тежаб ўрганадиган усулларни ишлаб чиқинг. Бунинг учун «эслатувчи қоғозлар»дан фойдаланишингиз мумкин. Сўзларни катта-катта қилиб қоғозларга ёзиб иш жойингиз, хонангиз деворлари, столларингиз усти, эшикларга, ошхонага ҳам илиб чиқаверинг. Ишдан

керак. Чунки чоршанба куни қийинчилик билан ёд олган сўзларнинг деярли етмиш фоизини жума кунга қадар унутиб юборасиз. Сўзлар ҳар кун такрорланиши ва ишлатилиши шарт!

Пент Нумеркунд замонамизнинг энг машҳур полиглотларидан (кўп тилни билувчи). Чет тилларни ўн икки ёшидан ўргана бошлаган бу олим эллиқдан ортиқ тилни ўрганган. Жумладан, ўзбек тилини ҳам.

ўрнашар экан. Қўшиқдаги сўзлар осон эсингизга тушаверади. Бирор инсонга гапираётганда уларни беҳосдан ишлатиб ҳам юборишингиз мумкин.

жуда кўп ёши катта инсонларнинг, ҳатто етмиш саксон ёшларида ҳам бошқа тилларни ўрганишга ҳаракат қилиб, жуда ҳайратланарли ютуқларга эришганининг гувоҳи бўлганман. Буларнинг бари тинимсиз меҳнат ортидан келади, албатта.

Ҳар бир халқ — бир дунё. Ҳар бири ўз қадриятлари, анъаналарига эга. Биз тил орқали ўша буткул бошқа дунё вакилини тушуна бошлаймиз. Нимани ҳис қилаётганини, нимани ўйлаётганини англаймиз. Ўзаро фикр, тажриба, янгилик алмашамиз. Булар нафақат шахсий ривожланишимизга, балки улардаги ютуқларни ўрганиб, юртимиз равангига ҳисса қўшишимизга ҳам асос бўлади. Ишончимиз комил, сиз бошқа миллат вакили билан суҳбат қуриб кўрганингиз, уни тушуниб, унга ўз фикрларингизни етказа олган пайтингиз меҳнатларингиз натижа берганидан шунчалар ғурурланасизки, олтимиз ёшингизда ҳам шу тилни мукамалроқ билиш илинжи ёки янги бир тилни ўрганиш шиддати сизни тарк этмайди. Ушанда бизнинг гапларимизни эслайсиз...

Парвина ОМОНОВА, «Turkiston» муҳбири

— Доимо икки ва ундан ортиқ тилда гаплашадиган одамлар кексалиқдаги ақл заифлигига камроқ йўлиқшади, — дейди Торонтодаги Йорк университети олимлари. Экспертларнинг таҳминига қараганда, турли тилларда ёд олинадиган ҳар қандай янги сўз мияда қон айланиши ва хужайралар фаоллигини оширишда ёрдам беради.

Yoshlar festivallari davom etadi

# «ВАТАН НОМИН УЛУҒЛАБ ЯШАЙМИЗ»

Самарқанд вилоятида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

**Эрта тонгдан Самарқанд Халқаро аэропортида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, эл севган санъаткорлар, таниқли кино ва театр актёрлари, олимлар ҳамда ижодкорлардан иборат тарғибот гуруҳи аъзолари карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди. Тарғиботчилар шу ернинг ўзида гуруҳларга бўлинган ҳолда барча шаҳар ва туманларда фестиваль доирасида ўтказилаётган тадбирларга йўл олишди.**

— Президентимизнинг шу йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ўтказилаётган мазкур тадбирлар ёш авлод қалбида она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини мустақамлаш, шунингдек, Ватан равнақи учун хизмат қиладиган фидойи ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади, — дейди «Камолот» ЁИХ Самарқанд вилояти кенгаши раиси Фаррух Камолов. — Фестивалга иқтидорли, фаол ўқувчи ва талабалар, ёш ўқитувчи ва олимлар, давлат мукофотлари билан тақдирланган ёшлар, шунингдек, ёш расом хунарманд ва тадбиркорлар жалб этилди. Ёшлар фестивали доирасидаги лойиҳаларда ички ишлар профилактика ҳисобида турувчи вояга етмаганлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда носоғлом оилавий муҳитда тарбияланаётган ёшлар ҳам қатнашди.

ҳиятини тушунтириш мақсадида ижодкор ва педагоглар иштирокида семинар-тренинглари ташкил этилди. Шунингдек, «Президент асарлари билимдони» лойиҳаси доирасида



Президентимиз Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон — мустақилликка эришиш оstonасида» номли китоби тарғиботига бағишланган «Энг яхши тақдимот» танлови ўтказилди.



бол, волейбол бўйича мусобақа ва югуриш марафонлари ташкил этилди. Мусобақаларда спортчи ёшлар билан бирга уюлмаган ёшлар ҳам жалб этилди.

Ўтказилган амалий тадбирлардан яна бири «Виждонли сотувчи» акциясидир. Вояга етмаган ёшларга алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг сотилишини чеклаш ҳамда бу бўйича тегишли қонун нормалари ижросини назорат қилишга қаратилган ушбу акция доирасида «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуннинг ижроси юзасидан ёшлар ўртасида ижтимоий сўровнома ўтказилди. Шунингдек, вилоят марказларидаги савдо шохобчаларидаги аҳвол ҳам ўрганилди. Бу жараёнда санъаткорлар ва «Камолот» фаоллари иштирок этди.

«Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» лойиҳаси доирасида меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларида маданий ва маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Тарбияланувчиларга ташки-



Ёшлар фестивали доирасида вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманларида «Сиз севган қаҳрамонлар», «Замонамиз қаҳрамонлари», «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!», «Депутат ва ёшлар», «Ҳоким ва ёшлар», «Виждонли сотувчи» акцияси, «Президент асарлари билимдонлари», «Иқтидор эгаси — обод юрт эртаси», «Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти», «Одам савдосидан асраш — куннинг долзарб масаласи», «Ёшлар ўртасидаги эрта никоҳ ва унинг олдини олиш», «Интернет ва ёшлар», «Камолот» кутубхонаси лойиҳалари доирасида турли учрашув ва мулоқотлар, «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» кўргазмалари ташкил этилди.

Ёшларга Президент асарлари ҳамда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг мазмун-мо-

Жойларда «Ҳоким ва ёшлар» лойиҳаси доирасида шаҳар ва туман ҳокимларининг ёшлар билан учрашувлари ҳам ташкил этилди. Очиқ мулоқот тарзида бўлиб ўтган учрашувларда ёшлар масалалари муҳокама этилиб, ёшларнинг мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақидаги таклифлари тингланди. Ёшлар ҳоким ва депутатлардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Шунингдек, тадбирлар давомида ёшлар таълим тарбиясида оила ва таълим муассасалари билан бирга кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки ҳам зарур эканлиги таъкидланди.

«Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» лойиҳаси доирасида шахмат, стол тенниси, кураш, каратэ, фут-



лотчилар томонидан ўқув қуроллари ва китоблар совға қилинди.

Булунғур тумани, Каттакўрғон ва Самарқанд шаҳарларидаги футбол ўйингоҳларида санъаткорлар, «Камолот» фаоллари ҳамда маҳаллалардаги уюлмаган ёшлар иштирокида футбол-шоу мусобақалари бўлиб ўтди. Мусобақалар якунида эстрада хонандалари томонидан концерт дастури тақдим этилди.

«Биз буюк юрт фарзандларимиз!»

## СЎЗ — ФЕСТИВАЛЬ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Махбуба Шодиёрова, «Камолот» ЁИХ фаоли:**

— Фестивалда қатнашиб, шунга яна бир бор амин бўлдимки, юртимизда муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида биз, ёшларга илм олиб, хунар ўрганишимиз учун, жамият ҳаётида фаол иштирок этишимиз учун барча имкониятлар яратилган. Бизнинг меҳнатимиз, интилишларимиз доимо муносиб баҳоланади. Фестиваль давомида қалби завққа тўлган ҳар бир тенгдошим Ватанимиз равнақида янаям кўпроқ ҳисса қўшай, деб ўз олдига катта мақсадлар қўйган бўлса, ажаб эмас.

**Сирож Умурзоқов, «Энг намунали илм-фан тарғиботчиси» номинацияси ғолиби:**

— Мустақил юртда туғилиб ўсганимдан, шу муқаддас заминда яшаётганимдан бахтиёрман.

Бугунги кунда юртимизда асосий эътибор, шубҳасиз, ёшларга, уларнинг келажагига қаратилган. Муҳтарам Президентимизнинг биз, ёшларга оталарча меҳр билан фарзандларим дея мурожаат қилаётгани қалбларимизни чексиз ғурурга тўлдирди. Жамиятдан муносиб ўрин эгаллаб, мамлакат ривожини учун камарбаста бўлишимиз учун ҳар томонлама шароит яратилган. Уларни бирма-бир санаб ўтишнинг ҳожати йўқ. Зеро, биз буларни доимо ҳис қилиб тураемиз.

шиори остидаги ёшлар фестивалининг гала-концерти Самарқанд шаҳридаги «Мўъжиза» амфитеатрида бўлиб ўтди. Унда фестиваль доирасидаги маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этган ёшлар «Конституция билимдони», «Энг намунали илм-фан тарғиботчиси», «Энг яхши соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси», «Энг ёш тарғиботчи», «Энг намунали тарғиботчи етакчи» номинациялари бўйича махсус диплом ва совғалар билан тақдирланди.

**Жасур РАҲМОНОВ, «Turkiston» мухбири**

«Yoz — 2014»

# Табитил — оромгоҳларга тайир



*Табитил бошлангани билан болалар оромгоҳларга ошиқадди. Тўғри-да, кунни бўйи қиёда ўтирганган кўра, тенгдошларинг билан бирга тўғраакларга бориб ҳунар ўрганиш, вақтинги спорт ва бошқа тўғра фойдаланишнинг мамнуотларга сарфлаш ёки табитил кўйида маза қилиб ўйнаб-ўйратма нима ётсин?!*

Жорий йилги мавсумда 1085 та соғломлаштириш оромгоҳи болажонлар учун ўз эшикларини очди. Шундан 214 таси стационар, 739 таси кундузги, қолгани эса меҳнат ва дам олиш оромгоҳларидир. Кундузги оромгоҳлар умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, мактабгача таълим муассасалари ҳамда меҳрибонлик уйлари қошида очилган. Мавсум давомида уларга 134 минг нафардан зиёд ўқувчи жалб этилади. Яна 147 мингдан зиёд бола стационар оромгоҳларда дам олдирилади.

Юртимизда ихтисослаштирилган оромгоҳлар ҳам мавжуд. Ушбу масканларда болалар дам олиш билан бирга, экология, биология, ўлкашунослик, техникага доир билимларини оширишлари мумкин. Жорий йилда ихтисослаштирилган оромгоҳлар сони аввалги йилга қараганда икки бараварга, улардаги йўналишлар эса биттага кўпайди. Эндиликда республикамизнинг ҳар бир ҳудудида «Интеллектуал ривожлантириш», «Ижтимоий мослашув», «Экологик-биологик», «Ўлкашунослик», «Техник ижодкорлик» каби ихтисослаштирилган оромгоҳлар

қаторида «Бадий ижодиёт» йўналишидаги оромгоҳлар ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Хусусан, ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига кўмаклашувчи «Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи» Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамкорлигида Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган «Қуёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳи негизда ташкил этилган. Айтилган бундай мавсумга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Оромгоҳда барча умумтаълим мактабларида фанлар бўйича ўтказилган «Билимлар беллашуви»нинг 520 нафар ғолиби соғломлаштирилади. Интеллектуал оромгоҳлар ҳудудларда ҳам ташкил этилиб, бу йил уларга жами 1400 нафар иқтидорли ўқувчини қамраб олиш режалаштирилган.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ёзги амалиётини дам олиш вақти билан уйғунлаштириш мақсадида бир неча йилдан буён жойларда меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари фаолият кўрсатиб келяпти. Аҳамиятлиси шундаки, жорий йил бундай оромгоҳ-

лар нақ икки ҳиссага кўпайди ва 132 тани ташкил этмоқда.

— Бу йил болаларни соғломлаштириш ишлари ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш Концепцияси»га мувофиқ олиб борилмоқда, — дейди Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши матбуот котиби Муҳаббат Ўрмонбекова. — Хусусан, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан биргаликда маҳаллалардаги кам таъминланган оилардан яна юз нафар болани имтиёзли дам олдириш ва соғломлаштириш белгиланган. Бу мавсумнинг ўзига хос янгилиги бўлиб, мамлакатимизда олиб борилган кучли ижтимоий сиёсатдан далолат беради. Мавсум доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидан 4,5 минг нафар ўғил-қиз пойтахт, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги қорхона ва ташкилотларга қарашли оромгоҳларда имтиёзли асосда соғломлаштирилиши ҳам ўқоридаги фикрнинг амалий тасдиғидир.

— Қасаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда икки минг нафар боланинг оналари билан бирга саломатлигини мустаҳкамлаш

кўзда тутилган, — давом этади М.Ўрмонбекова. — Шу билан бирга, меҳрибонлик уйларидаги икки минг нафар тарбияланувчиси, эллик нафар жисмоний имконияти чекланган бола қасаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан сўлим гўшалардаги дам олиш масканларида бепул соғломлаштирилади, қорхона, ташкилот ва муассасаларда амал қилаётган жамоа шартномалари орқали эса ўттиз минг нафардан ортиқ кам таъминланган оилалар фарзандлари имтиёзли йўлланмалар билан таъминланади. Таъкидлаш керак, жорий йилги ёзги мавсумда болалар оромгоҳларида тарбиявий ишлар тубдан янгиланган дастурлар асосида олиб борилмоқда. «Мустақиллик — менинг тақдиримда», «Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлақати», «Қасаба уюшмалари — болаларга» акциялари, кўплаб маданий-маърифий тадбирлар, ёзувчилар, санъаткорлар, спортчилар билан учрашув ва давра суҳбатларини ўтказиш режалаштирилган.

Яна бир яхши янгилик. Шу йилдан бошлаб барча турдаги оромгоҳларда чет тили тўғрақлари очилди. Кундузги оромгоҳларда тўғрақ машғулотларини мактабларнинг чет тили ўқитувчилари ўтса, стационар оромгоҳларда мазкур амалиётга олий таълим муассасаларининг чет тили факультетлари талабалари жалб этилган.

**Наргиза УМАРОВА,**  
«Turkiston» мухбири

Бу йилги ёз мавсумида 14550 нафар жаззаҳлик ўғил-қиз ўн тўртта табитил кўйидаги, эллик тўртта мактаблар қошидаги соғломлаштириш оромгоҳларига жалб қилинади. Уларнинг мазмунли дам олиши учун Жиззах вилояти ҳокимлиги ва вилоят қасаба уюшмалари бирлашмаси ҳамкорлигида бир қатор тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

## Мароқли ҳордиқ — билимга кўмак

Айтилган кунда Фаллаорол туманида ташкил этилган кундузги оромгоҳлар болалар билан гавжум. Нурота тоғ тизмаларида жойлашган сўлим гўша — Қўйтош тоғининг мафтункор ва хушманзара табияти билан уйғунлашиб кетган ушбу дам олиш масканлари кишига завқ бағишлайди. Улардан бири 60-мактаб қошидаги «Қалдирғоч» кундузги болалар соғломлаштириш оромгоҳида бўлди. Айтилган бундай ерда 125 нафар ўғил-қиз дам оляпти.

— Ўтган йили дугоналаримдан «Қалдирғоч» ҳақида эшитиб, шу оромгоҳга келишни ният қилганим, — дейди дам олувчилардан бири Зарина Очилова. — Табиат кўйида дам олишнинг ўзгача завқи бор. Тоза ҳаво, соя-салқин, хушманзара бундай жойлар инсонга тетиклик бағишлайди.

— Оромгоҳда ташкил этилаётган ҳар бир тадбир ўғил-қизларнинг баркамол бўлиб вояга етишига кўмаклашмоқда, — дейди «Қалдирғоч» оромгоҳи бош етакчиси Абдуғаффор Болиев. — Болаларнинг қувончи чексиз. Улар дам олиш билан бирга, билимларини ҳам мустаҳкамлашмоқда.

Оромгоҳда «Авангард», «Ниҳол» ва «Юлдузча» гуруҳлари мавжуд. Гуруҳлар ўртасида анъанавий спорт ўйинларидан ташқари, «Тортишмачоқ», «Ким чаққон?», «Елкада кураш» каби миллий ўйинлар ҳамда югуриш мусобақаси ўтказиб турилмоқда.

Оромгоҳда тикиш-бичиш тўғраги ҳам ташкил қилинган. Турсуной Жабборова раҳбарлик қилаётган ушбу тўғрақда қизлар миллий либослар тикишни ўрганишяпти.

Шунингдек, дам олувчилар учун қадимий обидалар ва қадимжоларга саёҳатлар уюштирилади. Бу эса ёшларнинг тарих ва табиятига бўлган ҳурматини янада оширмоқда.

**Абдулла САИДОВ,**  
Жиззах вилояти

■ *Tabiat va inson* ■

## ЯШИЛ БОРЛИҚНИ ЎЗГАРТИРУВЧИ ДИЗАЙН

*Ёзнинг жазирима кунларида бизни қуёш тафтидан ҳимоя қилувчи дарахт ва буталар атрофга кўрк бериб туриши билан ҳам аҳамиятлидир. Улардан турли шакл ва услублар ёрдамида гўзал манзара яратилиши ландшафт дизайни дейилади.*

Дарахт ўзича ўсмайди. Айниқса, аҳоли зич яшайдиган жойларда. Экологик оғир ҳолат, аҳоли сонининг ўсиб бориши ва бошқа омиллар дарахтларнинг табиий шароитда кўпайишига йўл қўймайди. Бундай вазиятда ландшафт дизайнидан фойдаланиш айтилган муддао.

Инсон борки, гўзалликка интилади. Хонадонлар, кўча ва хиёбонларда тур-

фа хил гул ва дарахт кўчатларини ўтқозиш, атрофида йўлаклар ҳосил қилиш халқимизга хос одат. Айниқса, шаҳардаги яратилган яшил манзаралар барчанинг баҳри дилини очиб, хуш кайфият, эстетик завқ бағишлайди. Замонавийлик ва миллийлик уйғунлашган шаҳару қишлоқларимиз кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Бу жараёнда

юқори дид, ўзига хос маъно-мазмун касб этилган ландшафт дизайни ривожлантиришига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ўз навбатида, аҳоли тураржойлари ва қишлоқлараро ҳудудларнинг меъморий-бадий қиёфасини яхшилаш, ландшафт дизайни бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайни ривожлантириш дастури»да белгилаб берилган. Мазкур дастурда ҳудудий ободонлаштириш бошқармалари ва лойиҳалаш ташкилотларини ландшафт дизайни мутахас-

сислиги бўйича олий таълим муассасалари ва коллежларни тамомлаган кадрлар билан таъминлаш кўзда тутилган. Шу мақсадда Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида ландшафт дизайни ва интерьерлари кафедраси ташкил этилмоқда. Янги ўқув йили учун ландшафт дизайни ва интерьер дизайни йўналишлари бўйича қабул эълон қилинади.

Шунингдек, дастурга биноан, ҳар икки институт қошида кўшимча ер участкалари ҳисобига макет ва керамика устахоналари ҳамда ландшафт дизайни бўйича технопарк ташкил қилиш

ҳам кўзда тутилган. Таълим жараёнига хориждан архитектура, дендрология ва ландшафт дизайни бўйича амалиётчи мутахассисларни жалб этиш режалаштирилмоқда. Ўз навбатида, талабалар ҳам хорижий мамлакатларда танишув амалиётини ўташлари мумкин.

Ландшафт дизайнери нафақат дизайн асослари ва эстетикани, балки дизайн яратилаётган ҳудуднинг иқлим шароити, тупроқ таркиби, ўсимлик қопламани яхши билиши, ижодий қобилиятга эга бўлиши зарур. Бу ишда тарихий тажрибаларга таяниш, ҳар бир детални моҳиятан чуқур ўйлаб жойлаштириш ўта муҳим. Охириги йилларда ша-

ҳарларимизда манзарали дарахтдан терак, ясен, қайрағоч, эман, мажнунтол, акация, каштан, япон сафоралари экилмоқдаки, улар яна беш-ўн йилдан кейин шаҳарлар қиёфасини буткул ўзгартириб юборади. Мутахассисларнинг фикрича, ер юзида дарахт, яшиллик ва боғ-роғлар қанчалик кўп бўлса, бу иқлим мўътадиллиги, ҳаво ҳарорати ва ёмғир миқдорининг ижобий ўзгаришига олиб келади. Қолаверса манзарали ўсимликлар инсон саломатлиги учун ҳам фойдалидир.

**Дилором АЗИМОВА,**  
Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси

Bilimlar bellashuvi

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАЙДОН

*Пойтахтимиздаги Р. Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган musiqa академик лицейида билимлар беллашувининг республика босқичи бўлиб ўтмоқда. Унда беллашувининг Қорақалмоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичида голиб бўлган ўқувчилар иштирок этмоқда.*



Билимлар беллашувининг олимпиадаларининг муқобил шакли бўлиб мунтазам равишда ўтказиб келинади. Жорий йилда интеллектуал мусобақа 5-8-синф ўқувчилари ўртасида ўн олимпиада фан бўйича ўтказилади. Тўрт босқичда ташкил этилаётган беллашувининг дастлабки — мактаб босқичида икки миллион нафарга яқин ўқувчи қатнашди. Қишқи таътилда бўлиб ўтган туман босқичида 360 минг нафарга яқин ўқувчи, баҳорги таътилда ўтказилган учинчи босқичда етти мингдан ортиқ ўқувчи беллашди. Улар орасида 520 нафар ўқувчи

сараланиб, билимлар беллашувининг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Финалда биринчи бўлиб филология фанлари йўналиши бўйича (она тили ва адабиёти, ўзбек, инглиз, француз, немис, рус тиллари) йўналишида икки юз олти нафар ўқувчи ўзаро беллашди.

— Билимлар беллашувининг ўзига хос кичик олимпиадага ўхшайди, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги 20-ихтисослаштирилган мактабнинг ўзбек тили

ўқитувчиси Ниёзмухаммад Панжиев. — У ҳақиқий интеллектуал майдонга айланиб бормоқда. Жорий йилда ҳакамлар ҳайъати таркибига ҳар бир худуддан бир нафардан тажрибали ўқитувчи киритилди. Иштирокчиларнинг билимлари икки турда баҳоланади. Биринчи тур ёзма иш, иккинчи тур тест саволларидан иборат. Натижалар йигирма учта мезон асосида баҳоланади.

Бу йилги билимлар беллашувининг доирасида «Инглиз тили билимдонлари» ижодий танлови ҳам эълон қилинди. Танловнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, беллашув натижасида давлат таълим стандартларида белгиланган талабларнинг бажарилиш ҳолати таҳлил этилади ҳамда таълим сифати кўрсаткичлари орқали ўқув муассасалари, худудий халқ таълими бошқаруви идоралари фаолияти баҳоланиб, туман ва шаҳарларнинг рейтингини аниқланади.

— Билимлар беллашувининг француз тили бўйича иштирок этяпман. Бу ерда ҳар бир ўқувчининг қай даражада билимга эга эканлиги ойдинлашмоқда. Ушбу интеллектуал беллашув ҳар бир тенгдошимни фанларни

пухта ўзлаштиришга, кўпроқ ўқиб, изланишга ундайди.

Билимлар беллашувининг республика босқичида қатнашаётган ўқувчиларнинг барчасига мусобақа якунида Бўстонлиқ туманидаги «Қуёшли» ёзги интеллектуал ривожлантириш оромгоҳида дам олиш учун йўлланма берилди. Оромгоҳнинг биринчи навбати 18-29 июнь, иккинчиси эса 1-12 июлга мўлжалланган.

Интеллектуал беллашувининг аниқ, табиий ва ижтимоий фанлар (математика, физика, информатика, кимё, биология, география, тарих, ҳуқуқ, иқтисодий билим асослари) йўналиши бўйича синовлар 28-30 июнь куни бўлиб ўтади. Беллашувда ҳар бир фан бўйича биринчи ўринни эгаллаган ўқувчиларни республика миқёсидаги таниқли академик олимлар, фан арбоблари, профессор-ўқитувчилар тақдирлашади. Бу эса, ўқувчиларда билим олишга бўлган иштиёқни янада оширишга хизмат қилади.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» мухбири.**  
Рустам Назарматов  
олган суратлар.



## ЎЗ КАСБИГА МЕҲРИ БЎЛАКЧА

*Фидойилик, меҳнатсеварлик ҳукм сурган ерда ҳамшиша юксалиш, ривожланиш қарор топади. Масъуллик ҳисси эса чуқур ҳурмат ва эътирофга замин яратади. Тиббиёт соҳаси шарафли, шу билан бирга чуқур масъулият талаб этгани учун бошқа соҳалардан ажралиб туради. Буни дилдан ҳис этган ҳар бир шифокорнинг олий мақсади ҳамшиша касбига, қасамёдига содиқ қолишидир. «Ҳақиқий шифокор — ҳамшиша бедор» деганларидек, улар гоҳида бемор ёнида мижжа қоқмай туни кунга улайдилар.*

Сирдарёлик Холмирза Каратаев ҳам ана шундай эътирофга муносиб саломатлик посбонларидан бири. У касбининг машаққатли йўлини билим ва эътиқоди, изланувчанлиги ва маҳорати билан босиб ўтмоқда.

Иш фаолиятини Гулистон шаҳридаги вилоят шифохонасининг реанимация бўлимида бошлаган Холмирза зийраклиги, ку-

затувчанлиги, устоз-шифокорлар тажрибасига оғишмай таянганлиги сабаб тезда ҳурмат қозонди.

Мана, бир неча йилдирки, Холмирза Каратаев Ширин шаҳар тиббиёт бирлашмасида меҳнат қилмоқда. Олий тоифали бу шифокор шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими мудири ва бир вақтнинг ўзида даволаш ишлари

бўйича бош шифокор муовини ҳамдир.

Қаҳрамонимиз ишлаётган ўн беш ўринга мўлжалланган даволаш бўлимида барча зарур шaroитлар бор. Замонавий эндоскопия ва УЗИ аппаратуралари ёрдамида беморларга ўз вақтида ташхис қўйилиб, зарур муолажалар қилинмоқда.

— Беморларга қулайлик яратиш мақсадида муолажанинг замонавий услубларидан фойдаланиш бош мақсадимиздир, — дейди шифокор. — Шундай қилинса, даволаш ишлари сифатли, қолаверса тежамкорликка эришилган бўлади.

Дарҳақиқат, моҳир шифокор доимо изланишда. Одамлар соғлиғи тўғрисида тинимсиз қайғуради. Унинг ўз касбига чиндан-да меҳри бўлакча.

**Ашуралӣ БОЙМУРОД,**  
**«Turkiston» мухбири**



## Энг энгил смартфон

Ҳиндистоннинг «XOLO» компанияси дунёдаги энг энгил смартфон ишлаб чиқаришини маълум қилди.

Компания маълумотларига қараганда, телефоннинг оғирлиги юз граммга ҳам етмайди. Таққослаш учун: «Samsung Galaxy S4 mini» 107 грамм, «Apple iPhone 5S» 112 грамм, «HTC Desire 500» 123 грамм тош босади. «XOLO» смартфонининг экрани 4,7 дюмга тенг. У «Qualcomm Snapdragon 200» процессори билан таъминланган ва «Windows Phone» операцион тизимида ишлайди. Смартфон июнь ойида сотувга чиқарилиши маълум қилинди. Ўртача нархи 200 АҚШ долларини ташкил қилади.

## Қаҳвадан

### биоёқилғи олинди

Буюк Британиянинг Базс университети олимлари қаҳва қуйқасидан биоёқилғи олиш усулини кашф қилишди.

Кимёгар Крис Чакнинг сўзларига қараганда, ҳар йили жаҳонда саккиз миллион тонна қаҳва етиштирилади. Ушбу хомашёдан 1,3 миллиард литр биоёқилғи тайёрлаш мумкин.

Шунингдек, қаҳвахонада ҳар куни ўртача ўн килограммга яқин қаҳва қуйқаси йиғилиб қолади. Бу эса камида икки литр биоёқилғи тайёрлашга етади. Ёқилғи ишлаб чиқариш учун қаҳванинг турли навларидан — юқори навли арабикадан тортиб тез эрувчан робустагача фойдаланиш мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши ортидан Starbucks, Cafy Nero, Costa Coffee каби қаҳвахона тармоқлари ҳамда Shell, BP, Esso каби энергия компаниялари ўртасида рақобатнинг ривожланишига олиб келади.

## Ўй томидаги сигир

Швейцария фермаларининг биридан қочган сигир қўшни кўчадаги ўй тоmidан топилди.

Жониворни велосипедда сайр қилиб юрган сайёҳлар кўриб қолишди. У томга қандай чиққани, у ерда қанча вақт бўлгани номаълум. Ферма ишчилари сигирни ўзлари топишга ҳаракат қилиб полиция ҳамда жониворларни қутқариш марказига мурожаат қилишмади. Жонивор махсус машина ёрдамида ерга туширилди. Аммо бу бир неча уйнинг томи бузилишига сабаб бўлган.

## «Помидорли» автомобиллар

«Ford» автоконцерни эндиликда автомобиль ишлаб чиқаришда помидорлардан фойдаланади.

Шу мақсадда кетчуп ишлаб чиқарувчи таниқли «Heinz» компанияси билан шартнома имзоланди. «Ford» кетчуп тайёрлаш жараёнида помидордан ажралиб қоладиган пўстидан пластик деталлар тайёрлашини маълум қилди. Натижада экологияга нисбатан камроқ зиён етади ва автомобилларнинг вазни ҳам сезиларли камаяди.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

Bu shunday yuz bergan edi

# КИЧИК ХИСОБЧИ — ДАСТУРИМИЗ



*Кундалик ҳаётилимизда ҳисоб-киتابга кўп бора дуч келамиз. Кичикроқ рақамлар бўлса-ку майли, бироз каттароқ рақамлар бўлса-чи? Шунда кичик ёрдамчимиз, калкуляторга мурожаат қиламиз.*

Яқин-яқингача чўтлардан кенг фойдаланиларди. Ёш болаларга эса ҳисоб-киتابни ўргатишда рангли чўплар асқотарди. Энди кичик ёшли болалар кўлида ҳам калкуляторларни кўриб, савол туғилади. Калкулятор ўзи қачон, қандай пайдо бўлган?

Илк электрон ҳисоблагичларни англиялик олимлар «Anita MK VII» дея номлаб оммага 1961 йилда тақдим этган. Ушанда калкуляторлар анчагина катта, кўпол, клавиатураси эса кичик эди. Ўнта тугмачаси бўлиб, улар, асосан, қўшиш, айриш, кўпайтириш ва бўлиш амалларини бажарар эди. Экрани учун эса газ тўлди-

рилган лампадан фойдаланилгани боис анча катта ва хира бўлган.

Биринчи транзисторли, яъни кичик экранли кал-



кулятор 1964 йилда чиқарилган. Ишлаш тезлиги юқори, нархи ҳам анча қиммат эди. Орадан бир йил ўтиб, логарифмлар ва

кийин амалларни бажариш имкони бўлган калкуляторлар ҳам амалда татиқ этилди.

1971 йилда оғирлиги 800 грамм бўлган, кўришни кўпол бўлса-да, илк чўнтак калкуляторлари дунё юзини кўрди. Ўша вақтда унинг ўртача нархи 240 АҚШ долларига тенг эди.

Ҳозиргиларига анча яқин бўлган калкуляторлар 1985 йилдан ишлаб чиқарила бошланди. Ўша пайтларда ундан фақат олимлар, иқтисодчилар фойдаланар эди. Қимматлиги туфайли, уни, асосан, йирик ташкилотларда учратиш мумкин эди. Бугунги кунда эса у барчамизда бор. Калкуляторлар вақтимизни тежаб, ишимизни осонлаштирувчи кўмакчимизга айланиб улгурган.

**Жавоҳир КАРОМАТОВ**  
тайёрлади



**Мен, албатта, аскар бўламан!**

Рустам Назарматов олган сурат

## «TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги учрашув **2014 йилнинг 1 июль** кuni «Камолот» ЁИҲ Сирдарё вилояти кенгаши раиси **Лазизбек Ахмедов** билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни [www.kamolot.uz](http://www.kamolot.uz) сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни [savol@turkiston.uz](mailto:savol@turkiston.uz) электрон манзили ёки (+99871) 233-79-69 телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Ўз позициянгизни намоён этишга шошилинг.

## ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

**Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,  
Бу ишқ сиррин баён этсам, тақи ул хонумон ўртар...**

Мисралари билан бошланувчи машҳур мумтоз кўшиқни илк бора қайси санъаткор ижро этган.

Жавобингизни **20 июнь** соат **16.00** га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамларига кўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

**Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Амир Темура ҳақида.**  
Тўғри жавобни биринчи бўлиб бахмаллик **Жўмард Оқбўтаев** йўллади.

## SUDOKU

	8	5	1		4						
7	9	2									
		4		8							
1	7				3						
		6	7	3							
6					4	9					
	3		4								
			9	5	6						
9		5	3	4							

			1			3					
4	7			2	8						
7	6										
		4	2				1				
3	1	6	4	8							
9				3	4						
						8	1				
5	8			2	4						
3			4								

			4	8	9						
					8						
			1						2	7	
					8					1	
1	6	4	7	8							
	5	7									
4	2								6		
		1								7	9
		9	6	3							

## YONDAFTARCHANGIZGA

Эзуликнинг ҳадисини олган одам уни унутиб қўйиши, эсидан чиқариши мумкин эмас.

**Сенека**

	Жаҳод, руҳсор				Юпитер йўлаши		Ишчи, хизматчи				
	Жаб, чақак		Хузур...		Шодиев (бютик актёр)		Шанмақом тури		Шаҳар қисми, массив		... манг
					«Қовчиқарли» баҳо		Қиз боланинг дўсти				
баробар	... кўёв		... Чанба (ёш актрисаси)				... Несин (ҳажвчи)		Қўлим ўзюв бирми		Ўйна бола исми
	Доктор						Мухаббат, ишқ				
	Қулоққа лағмон ...		Шприцли муолажа		Обида, Самарқанд		Қишқик-банд		Қуш, вақт		Жамият бўлаги
					Маариф футбол клуби						
Чингизхон невараси		Украина пойтахти					Ер (сипоши)				
					Заҳарли қурбақа				Фарф, фиғон		
Дастхат, «қул»		Жўти, мултон									
							Ашвадий ишқибоз				

Тузувчи: Нигора ТОШЕВА